

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 8 октябрь, № 196 (4606)

Чоршанба

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан мамлакатимизга келган Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерс 7 октябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Тошкентдаги П. Боровский номидаги тиббиёт коллежи фаолияти билан танишди.

Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва таълим соҳасидаги кенг қўламли туб ислохотлар халқаро миқёсда эътироф этилиб, мамлакатимизнинг бу борадаги таърихи нафақат мутахассислар, балки давлат арбоблари ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Истиқлол йилларида юртимизда юзлаб янги мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари барпо этилди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Аксарият олий ўқув юрлари ҳузурида ихтисослашган академик лицей очилган. Бундай янгиланишларнинг самараси ўлароқ, бугун Ўзбекистонда ёшлар умумий таълим олиш баробарида касб-хунар ҳам ўрганмоқдалар.

Дўрмон қароргоҳида 6 октябрь кuni бўлиб ўтган олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон билан Латвия ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Валдис Затлерс юртимизда бу борада эришилган ютуқлар билан таништирилди.

Олий мартабали меҳмон мазкур тиббиёт коллежида

ўқувчилар ва педагоглар учун яратилган шароит, таълим жараёни билан қизиқди. Бу таълим маскани барча зарур замонавий жиҳозлар, ўқув қуроллари билан таъминланган. Валдис Затлерс давлат ва жамиятни ривожлантиришда малакали кадрлар муҳим ўрин тутишини, Ўзбекистонда бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидлади ва таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самараларига юксак баҳо берди.

Шу кuni Латвия Президенти Бухорога ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон Бухородаги қадимий Арк қалъаси, Сомониёлар мақбараси, Минораи Калон ва Лаби ҳовуза мажмуаларини кўздан кечирди. Валдис Затлерс ақл-заковат, юксак маҳорат ва меъморий даҳолик тимсоли бўлган бу қадимий ёдгорликлар бетақрор саноат намуналари сифатида ўзида катта таассурот қолдирганини таъкидлади.

Шу билан Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерснинг мамлакатимизга давлат ташрифи ниҳоясига етди.

(ЎзА)

Бухоро вилоятидаги Хаузақ — Шоди табиий газ кони 2007 йил ноябрда ишга туширилган эди. Шундан буён бу ерда икки миллиард куб метр табиий газ қазиб олинди.

ИККИ МИЛЛИАРД КУБ МЕТР ГАЗ ҚАЗИБ ОЛИНДИ!

Табиий газ қазиб олишнинг бундай юқори ўсиш суръати, аввало, янги қудуқларнинг ишга туширилиши билан боғлиқ. «Лукойл-Ўзбекистон оперейтинг компани» компанияси матбуот хизматининг хабар беришича, Хаузақда бугунги кунда 21 та қудуқ ишлаб турибди, яна иккитасида қазиб ишлари амалга оширилмоқда. Улардан бири жорий йил охиригача фойдаланишга топширилади. Бу эса қимматбаҳо ёқилғи қазиб олиш ҳамини янада кўпайтириш имконини беради.

Бугунги кунда магистраль қувурларга газ етказиб бериш мажбурияти 40 миллион куб метр ортиси билан бажарилди. Бундай ютуқларга устачада аварияларсиз раван ишлаш, йўқотишларни имкон қадар камайтириш ва ўз эҳтиёжлари учун газ сарфини қисқартириш авазига эришилмоқда.

Хозир кунда киши шароитида ишлаш учун тайёрларик ишлари олиб боришмоқда.

В. НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.

ҚАДРИЯТЛАР ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажакимиз гаровидир

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, қадриятларимиз энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Қаршилик Гулчехра Примкулова ҳам асл қадриятларимизни эъзозлаганлардан бири. У мустақилликнинг дастлабки йилларида кичик қорхона очиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Атрофига қизларни тўплаб, миллий каштачиликнинг энг нозик тури — зардулик билан шуғулланди. Юзлаб шогирдлар тайёрлади. Бугун улардан Зебунисо Фаттоева, Кумуш Турсунова, Зилола Маннонова каби пешқадам қизлар ҳам қўли гул зардуз, ҳам ёшларга устоз сифатида танилиб улғуришган.

— Биз тайёрлаётган маҳсулотлар халқимизнинг яхши кунларига, тую томошаларига хизмат қилади, — дейди Г. Примкулова. — Хусусан, юртинг энг улғу инсонларига зарбоқ тўн ёпилганда, энг азиз меҳмонларга зарчопон соғва қилинганда, келин-куёвлар ўзларининг шодиёна кунларида заррин либос кийганларида бизнинг ҳам қалбимиз қувончга тўлади, ишимизга бўлган меҳримиз янада ортади. Истиқлол туфайли мамлакатимизда шундай хосиятли кунлар кўпайди, қалбимиз улуғланди, кадр топди. Бунинг учун ҳар қанча шукрона айтсақ, арзийди.

Халқимизнинг қадимий анъаналарини тиклашда фидойилик



кўрсатган, вилоятда зардулик ривожига ҳисса қўшаётган Гулчехра Примкулованинг ўзи ҳам эъзозли инсонлар қаторидан жой олди. Унинг меҳнатлари инобатта олиниб, давлатимизнинг юксак

муқофоти — «Эл-юрт хурмати» ордени билан тақдирланди.

Жамшид НОҚОБИЛОВ олган сурат.

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

7 октябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи комиссияси таркиби, шунингдек, тегишли тадбирлар режаси тасдиқланди. Сайлов билан боғлиқ ҳужжатлар амалга оширилари учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, Сенат Кенгаши комиссияси аъзоларига, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга даяр доир давлат органлари, жамоат бир-лашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларига юборилди.

Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Қарори оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» ҳамда «От сильного государства — к сильному

гражданскому обществу» рунқлари очилиб, сайлов тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари қондаларини тушултиришга доир материаллар эълон қилиб боришмоқда. Миллий телерадиокорпорация туркум кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этишига ҳамда сайловга бағишланган видеороликларни намойиш қилишига иришди.

Хозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгашида, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи вилоят, туман, шаҳар комиссиялари ва ишчи гуруҳларини

тузиш ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этишга қаратилган ишлар тугалланмоқда.

Шу билан бирга, давра суҳбати иштирокчилари нукталарида қайд этиб ўтилдики, Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мазкур Қарорини, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режасини бажариш учун фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳар комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш мақсадида тузилган ишчи гуруҳлари фаолияти мувофиқлаштириб борилишини таъминлашга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни

(Давоми 2-бетда).

Мустақиллик туфайли қайта дунёга келган маҳалла институтининг обрў-эътибори тобора ошиб бораётганлиги ҳақида кўп гапираемиз. Дарҳақиқат, бугун маҳалла халқ ҳокимиятининг бетақрор органи, демократиянинг ҳақиқий мактаби сифатида жамиятнинг бошланғич бўғинига айланди.

МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАР ВАТАН

Зеро, шу йил ноябрь-декабрь ойларида ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг муҳим иқтимоий-сиёсий тадбир сифатида баҳоланаётганлигининг сабаби ҳам шундан.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Дарҳақиқат, маҳалла турмуш тарзимизни акс эттирувчи кўзгү, бизнинг эртанги ёруғ кунимиздир. Зотан, қўндалик ҳаётимиз айнан маҳалланинг ичидан бошланади. Негаки, аждодларимиз ўз қувонч ва таъшишларини азалдан кўни-қўшни билан баҳам кўришган. Ҳаётларидаги каттаю кичик воқеаларни маҳалладолари билан бирга ўтказишган, халқ ибораси билан айтганда, бир майзини қирқ бўлиб ёйишган. Айниқса, маҳаллада яшашган кекса авлод — оқсоқолларга эргаштишган, уларнинг панду ўғитларига қулоқ осмишган.

Мамлакатимизда 9 мингга яқин фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларнинг мингдан зиёдида аёллар раислик қилишмоқда. Бу дегарли 11 фоизни ташкил этади. Табиийки, ўзини ўзи бошқариш органларида аёлларнинг сафи кенгайиб бораётгани уларнинг жамиятдаги мавқеи ошаётганини ҳам тасдиқлайди. Ишончимиз комилки, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларига ўтказилаётган бу гагли сайловларда янада кўпроқ аёллар раис ва маслаҳатчи этиб сайланадилар.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакат бўйлаб

«Ромитан — Бухоро» йўналишида Самарқандда ишлаб чиқарилган «Isuzu» русумли шинам, қулай ва тезюрак автобуслар қатнай бошлади.



Бухоро йўлларида «ISUZU»

Мазкур транспорт воситаларини харид қилишда «Ромитранссомсервис» фирмасига Халқ банки Ромитан тумани бўлиминдан олинган кредит қўл келди. Айни пайтда Ғиждувон, Вобекан, Когон туманлари қишлоқларида ҳам ана шундай русумдаги автобуслар қатнови йўлга қўйилди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Самара ва унум

Урганч шаҳрида фаолият юритаётган «Осиё-текстиль» Ўзбекистон — Хитой қўшма қорхонаси жамоаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар харидорларга маъқул бўлмоқда. 20 турдан ортқ болалар, ўсимлар, аёллар ва эркеклар трикотаж кийим-кечакларига қўшни вилоятлардан ҳам буюртмалар туша бошлади. Қорхонада ўтган йили 90 млн. сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида ушбу кўрсаткич 110 млн. сўмга етказилди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қуввати оширилди

Қўқон суперфосфат заводида хориқлик ҳамкорлар, сармоядорлар билан биргаликда тубдан модернизациялаш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, суперфосфат деҳини замонавий технологиялар билан қайта жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Энди ушбу цехда йилга 250 минг тонна ер малҳами — суперфосфат тайёрлаш имконияти туғилди. Бу мавжуд ишлаб чиқариш қувватидан 1,5 баробар кўндр.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида «Ўзмедэкспо — 2008» халқаро ихтисослашган тиббиёт кўргазмаси очилди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «IEG Uzbekistan» кўргазмалар компанияси ҳамда юртимиз ва хориқдаги қатор тиббиёт компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилган.

Замонавий ускуналар намойиши

Мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 12 ноябрдаги «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат операциясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳасидаги ислохотлар қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар ижроси таъминлашни натижасида мамлакатимиз тиббиёт муассасалари энг сўнгги тиббиёт асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

(Давоми 2-бетда).

Булунгурлик фермерлар мавжуд 6 минг гектар тоқзордан 50 минг тонна ҳосил олишди.

Соф фойда — 2 баравар

Унинг 25 минг тоннаси қайта ишлаш қорхоналарига етказиб берилди. Туман фермерлар уюшмаси маълумотига қараганда, ўтган йили биргина узумчиликнинг ўзидан 1 миллирдан 300 миллион сўм соф фойда олинган эди. Жорий йилдаги дастлабки ҳисоб-китоблар эса ушбу кўрсаткич салкам икки баравар ошишини кўрсатмоқда.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АХБОРОТ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР ТИЗИМИ РИВОЖЛАНМОҚДА

2008 йилнинг тўққиз ойи мобайнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси бўйича жами

1088,45

миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди.



Ўтган даврда мазкур Комплекс ташкилот ва идоралари томонидан ишлаб чиқариш ҳамжамларининг барқарор ўсиши суръатларини таъминлаш, маҳсулотлар ва хизматлар турини кўпайтириш ҳамда сифатини ошириш юзасидан муайян чора-тадбирлар қўрилгани туфайли шундай ижобий натижага эришилди.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ЖАҲОН

24 соат
ичида

Иш ўринлари қисқарди

АҚШ Меҳнат вазирлиги маълумотларига қараганда, жорий йилнинг сентябрь ойида мамлакатда иш ўринлари сони 159 мингга қисқарган.



Бу сўнгги беш йилдаги энг юқори кўрсаткичдир. Таҳлилларга кўра, ўтган саккиз ой давомида мамлакатда иш жойлари 605 мингга камайди. Мазкур ҳолат бу ерга Мексика ва қўнанинг бошқа давлатларидан иш излаб келувчиларнинг кескин камайишига ҳам сабаб бўлди.

Таҳдид мақсади номаълум

Гватемала пойтахтининг жанубий қисмидаги бинолардан бирида қирқдан ортиқ киши гаровга олинди. Бу ҳақда мамлакат полицияси маълум қилди.

Манбада айтилишича, гаровдагиларни ушлаб турган 29 ёшли жиноятчи — Луис Фернандо Эскобар Мартинес бомбани портлатмоқчи бўлапти. Полиция маҳкамаси вакиллари билан суҳбат қўра, жиноятчининг бу ишга нима мақсадда амалга ошириётгани ҳозирча номаълум.

Поездлар тўқнашди

Будапешт шаҳрининг жануби-шарқидан 50 километр узоқликда икки йўловчи поездди бир-бири билан тўқнашиб кетди, дея хабар беради «АФР».



Оқибатда уч киши ҳалок бўлган, ўттиздан зиёд киши жароҳатланган.

Хозирча фожиа сабаблари маълум эмас. Венгрия ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ушбу воқеа юзасидан текширув ишларини олиб бормоқдалар.

Сўнгги хабарларга қараганда, мазкур ҳодиса туфайли Венгрия транспорт вазирлигининг ҳозирча номаълум.

Тибетда zilзила

Тибетда кучли zilзила содир бўлди. «АФР» ахборот агентлиги хабарига кўра, табиий офатнинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,3 баллга етган.

Zilзила маркази Дансион музофотида кузатилган. Хабарларда келтирилишича, ер силкиниши оқибатда кўплаб тураржой бинолари вайронага айланган, 30 дан ортиқ киши ҳаётдан қўз юмган. Қурбон бўлганлар сони бундан ҳам ошиши мумкинлиги айтилмоқда.

Шаҳар марказидаги хунрезлик




Покистоннинг Панжоб музофотидаги Баккар шаҳрида кўпурчилик содир этилди.

Мамлакатнинг «Geo TV» телеканали тарқатган хабарда айтилишича, камикдазе Покистон парламенти депутати Рашид Акбар Нованининг уйи олдига портловчи қурилманни ҳаракатга келтирган. Хунрезлик оқибатида ўн етти киши ҳалок бўлган, 40 дан ортиқ одам турли даражада тан жароҳати олган. Жароҳатланганлар орасида Рашид Акбар Новани ҳам бор.

Айтиб ўтиш жоиз, сўнгги вақтларда Покистонда бундай воқеалар тез-тез содир этилганди. Хусусан, бундан беш кун муқаддам мамлакатнинг шимоли-шарқидида террорчи ўзини портлатиб юбориши оқибатида тўрт киши ҳаётдан қўз юмганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси олдида

Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича жаҳонда олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда туради. Кейинги йилларда серқуёш заминимизда етиштирилган пахта ва унинг толасига талаб тобора ортиб борапти. Натижада экспорт ҳажми йил сайин ошаётди. Масалан, ҳозирги кунда мамлакатимиз «оқ олтин»нинг 60 фоизи Осиёга, 20 фоизи Европага, 15 фоизи Хамдўстлик давлатларига экспорт қилинмоқда. Зеро, ўзбек пахтасининг оҳанрабои бор. Бу шундай оҳанрабоки, у толанинг узунлиги, пишиқлиги, ранги ва микрофайр кўрсаткичлари билан изоҳланади. Ана шу жиҳатдан эса ўзбек пахтасининг устунлиги халқаро миқёсда тан олинган.

ЎЗБЕК ПАХТАСИНИНГ ОҲАНРАБОСИ

Бунга мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбарининг раҳнамолиги ва бевоисита ташаббуси билан қишлоқ ҳўжалиги соҳаси, шу жумладан, пахтачилик тармоғида изчил амалга оширилган тўб ишловлар туфайли эришилди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Зотан, бугун тармоқдаги ютуқлар рақамлар билан эмас, ундан қўриладиган соф фойда салмоғи билан ўлчанади. Шу боис, селекциячилар олдида юқори сифатли, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, серҳосил ва тезишар гўза навларини яратишдек масъулиятли вазифа қўйилган. Чунки тола сифати бевоисита гўза навиға боғлиқ. Ҳозирда асосий майдонларда етиштирилаётган «С-6524», «Бухоро-6», «Наманган-77», «Омад», «Бухоро-102», «Бухоро-8» ва «Андижон-35» каби навлар ҳосили шундай кўрсаткичлари бўйича дунё тўқимачилик саноати талабларига тўла жавоб беради: эр-тапишар, тола чиқиши 40 фоиздан кам эмас.

Таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида пахта етиштириш ҳажми ошириш ва тола сифатини яхшилаш баробарида уни қайта ишлашга ёндашув ҳам тубдан ўзгарди. Мутахассисларнинг фикрича, пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимининг такомиллаштирилиши тола сифатини янада яхшилаш имконини бераётди.

Ҳом ашёни дастлабки ишловга тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш самардорлигини оширишда «Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналарининг хизмати катта. Шу боис, бу тизим корхоналарида тола чиқишини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Бунинг учун пахтани қуриштиш ва тозалашда замонавий ускуналардан кенг фойдаланилмоқда. Президентимизнинг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, 2007-2008 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Бухоро, Хоразм, Навоий ва бошқа вилоятлардаги 14 та пахта тозалаш корхонаси ушбу ҳўжат талаблари асосида техник ва технологик жиҳатдан қайта реконструкция қилинди. Натижада корхоналарда ишлаб чиқариш самардорлиги ошиб, махсулот сифати яхшиланди. Энг муҳими, сарф-харажат ва махсулот таннархининг камайишига эришилди.

Айтиш жоизки, қийин тозаланадиган пахта ҳам ашёсидан сифатли тола олиш ҳажмини ошириш бўйича ҳам ибратли ишлар амалга оширилаётди. Масалан, хом ашёни қуриштишда фойдаланиладиган генераторлар 100 га яқин универсал, иссиқлик берувчи генераторларга алмаштирилди. Шунингдек, унумдорлиги паст тозалогичлар ўрнига замонавий «ХК», «УХК» линиялари ўрнатилди. Бу тола чиқишини 0,2 фоизга, кўнлик ишлаб чиқариш ҳажмини 8 тоннадан 20 тоннагача ошириш имкониятини яратди. Қувонарлиси, «Олий синифга мансуб тола 5 фоизга, «Яхши» синифга мансуб тола улуши 7 фоизга кўпайди.

Президентимиз ташаббуси билан илк бор 2005 йилда ташкил этилган, бугунги кунда аънанавий тус олган халқаро пахта ярмаркаси бундай юқори сифатли толага талабдорлар учун катта имкониятдир. Негаки, улар ярмарка давомида нафақат юртимиз пахтачилик саноати иши билан яқиндан танишиш, балки бир пайтнинг ўзида биржа савдоларида иштирок этиб, пахта толасини етиштириб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар имзолаш имкониятига ҳам эгадирлар.

Маълумотларга қараганда, IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасига 100 минг тонна тола сотувга қўйилди. 2008-2009 йиллар мавсуми охирида бу кўрсаткични 200 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун имкониятлар етарли. Тизимда олиб борилаётган кенг қўламли ишловлар самараси шундай дейишимизга тўла асос бўла олади. Чунки 2007 йили мамлакатимизда 1,125 миллион тонна тола ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда 1,1-1,2 миллион тонна тола тайёрлаш қўзда тутилган. Унинг 750-800 минг тоннаси экспортга чиқарилади, қолган қўсми эса ўзимизда қайта ишланади.

Айни пайтда нуфузли тадбирга тайёргарлик ишлари жадал олиб борилапти. У йилнинг энг қўлай вақтида — пахта толаси бозоридида савдо фаоллашган пайтда ташкил этилаётгани билан ҳам янада аҳамиятлидир. Бу эса томонлар, яъни ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар учун бирдек манфаатлидир. Шундай экан, IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси дунёнинг кўплаб давлатларидан юзлаб трейдерларни жалб этиши ва ўзбек пахта толасининг экспорти бўйича кўплаб шартнома ва битимларга бой бўлиши, шўбҳасиз.

Иқром ЎТБОСАРОВ,
Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Самарқанд туманидаги «Дўстлик» электр тармоқлари корхонаси раҳбари, бўлим бошлиғи ва бош ҳисобчиси жамоада дебиторлик қарзлари ошиб кетгани сабабли туман давлат солиқ инспекцияси томонидан маъмурий чора кўрилди. Масъулиятсизлиги боис уларнинг ҳар бири тегишли микдорда жарима тўлашга мажбур бўлди. Орадан бир муддат ўтиб, тумандаги «Зарафшон» электр тармоқлари корхонасида ҳам шундай ҳолат қайд этилди.

ТўЛОВНИНГ МАСЪУЛИЯТИ БОР

— Туман ҳудудидаги корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳолини электр энергияси билан таъминловчи бу икки корхона фаолиятида кейинги пайтда вазият бутунлай ўзгарди, — дейди туман давлат солиқ инспекцияси юридик шахслардан бюджетга тўловлар тузишини назорат ва таҳлил қилиш бўлими бошлиғи Фаррух Урмонов. — Масалан, жорий йилнинг ўтган саккиз ойида «Зарафшон»да 222 миллион сўмлик, «Дўстлик»да эса 41 миллион сўмлик электр энергияси тўловлари ундирилди. Бу маблағлар истеъмол қилинган энергия харажатларини тўлиқ қоплашга хизмат қилади.

Электр тўловларининг ўз вақтида ундирилиши, корхоналар дебиторлик қарзларини камайитириш, электр энергиясидан фойдаланиши тартибга солиш мақсадида туман солиқчилари тегишли корхоналар вакиллари билан жойларда рейд-мониторинглар ўтказишяпти. Ушбу чора-тадбирларнинг ижобий натижа бераётгани қувонарлидир.

Утган саккиз ой мобайнида ўтказилган текширишлар натижасида «Зарафшон» электр тармоқлари корхонаси бўйича 45 ҳолатда 8755,1 минг сўмлик, «Дўстлик» электр тармоқлари корхонаси бўйича 19 ҳолатда 4416,7 минг сўмлик ноқўнуний электр энергияси истеъмолига йўл қўйилгани аниқланди. Бу борада айбдорларга тегишли чора кўриш юзасидан вилоят электр тармоқлари корхонасига тақдимномалар киритилди. Бундай жазо таъсир чоралари доимий давом этирилмоқда. Бу эса ҳонадонларнинг ҳаммаша чароғон, корхона ва ташкилотларнинг электр энергиясидан муттасил баҳраманд бўлишини таъминлайди.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ООО «Росагропромснаб» предлагает:
СЧЕТЧИКИ ГАЗА
ультразвуковые «Гобой-1»
Цена - от 1 300 000 сум.

Ду, мм	Типоразмер	Мин. расход, Q _{мин} , м³/час	Максим. расход, Q _{макс} , м³/час
25	G10	0,16	16(25)
40	G25	0,40	40(65)
65	G65	1,00	100(160)

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию — 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров. Товар сертифицирован (ор-р - перекресток «Шукарт»)
Т.ф.: 273-16-40, 276-91-87
Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-н Ц, д. 6

УЛЬТРАТОВУШ ва МАГНИТ-РЕЗОНАНСЛИ ТАШХИС маркази
УЗИ, ЛАБОРАТОРИЯ ва бошқа ТИББИЙ ЖИХОЗЛАР МАЖМУИНИ тақлиф этади.
1 йилдан 5 йилгача муҳлат билан ЛИЗИНГ (кредит)га беради.
Хизматлар рўйхатга олинган
Махсулот сертифициланган
Тел.: 189-40-90 (моб), 154-56-24 (моб), 150-60-20 (офис), 244-28-22 (офис)
www.uzmri.com

ОРИГИНАЛ АВТОМОБИЛЬ ЭХТИЁТ ҚИСМЛАРИ
avtoscz7@mail.ru
1000 турдан ортиқ асосий жиҳозлар
Махсулот сертифициланган Куйидаги ишлаб чиқарувчи заводлар кафолати билан:

АМО «ЗИЛ» «КАМАЗ» ОАЖ
«БЗА» РУП «УАЗ» ОАЖ
«БАТЭ» РУП «Элтра» ОАЖ
«Автодизельсервис» ОАЖ

Малакали техник маслаҳатчи — Али Бикриевич Бағдалов томонидан бепул маслаҳатлар

ҚУЛАЙ ЧЕГИРМАЛАР ТИЗИМИ МАВЖУД!
Тел./факс: (8 371) 290-76-46, тел.: (8 590) 919-30-46, 178-05-12.
Манзил: Тошкент ш., «Мўйноқ» кўчаси, 135-уй («Ўзэлектрокабелсавдо» биноси. Мўлжал — ДАН жарима майдончаси).

Завод ТЕМЗ ишлаб чиқарувчи ва реализует:
КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А
предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

Теперь и в ЛИЗИНГ

максимальная грузоподъемность 8 т
максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой)
максимальная высота подъема гор. — 41,5 м, наклонно — 57,5 м

АВТОКРАНЫ: для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
максимальная грузоподъемность — 14 т
максимальная высота подъема — 14,5 м

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
максимальная грузоподъемность — 16 т
максимальная высота подъема — 22 м

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
максимальная грузоподъемность — 25 т
максимальная высота подъема — 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА
Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.temz-kran.uz


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАҚАМЛИК СУДИ
ТЕЗКОР! ТЕЖАМКОР! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!
• ҳўжалик низоларининг тез ҳал қилиниши (низонинг бир инстанцияда жуда қисқа муддатларда қўриб чиқилиши);
• муҳокаманинг камчиқимлиги (низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган тарафларнинг кам чиқимлари);
• судьяларнинг касб маҳорати (энг тажрибали, маҳоратли шахслар ичидан судьяни сайлаш тарафлар томонидан амалга оширилади);
• мобиллик (низони Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида қўриб чиқиш имконияти);
• Ҳақамлик суди ҳал қилув қарорининг узил-кесиллиги (давлат судига Ҳақамлик суди ҳал қилув қарори мазмуни устидан шикоят қилиш мумкин эмас);
• Ҳақамлик судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан кафолатланган тартибда мажбурий ижро этиш (давлат судларининг қарорлари ижро этилиши ўрнатилган тартибда).

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ҳузуридаги Ҳақамлик суди
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6-уй.
Телефон: (+998-71) 239-43-29. Факс: (+998-71) 232-09-03.
web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

SONATA Ўз йўлингни танла!
Drive your way
КАФОЛАТ — 2 йил.
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Official Partner
Тел.: 250-11-11.

Спорт • Sport • Спорт

Жаҳон чемпионати совриндорлари



Спортнинг Шарқ яккакураши турлари бўйича ўтказиладиган халқаро мусобақаларда юрдошларимиз ҳам иштирок этишди.

Яқинда Италиянинг Неаполь шаҳрида кикбоксинг бўйича ёшлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳам вакилларимиз муваффақиятли иштирок этишди.

Шиб, кумуш медаль билан тақдирланди. Қашқадарўлик Аббосжон Ибрагимов ҳамда андижонлик Бекзодбек Махматов эса юртимизга бронза медаллари билан қайтишди.

«Бунёдкор» Австралияда

Бугун футбол бўйича Осиё чемпионлар лигасининг ярим финал учрашувлари бўлиб ўтади.

Хабарингиз бор, ушбу босқичда миллий чемпионатимиз пешқадами — «Бунёдкор» жамоаси Австралиянинг «Аделаида Юнайтед» клуби билан куч синаяди.

Шуни қайд этиш керакки, «Бунёдкор» жамоасининг интернетдаги махсус сайтдан олинган хабарда айтилишича, йиғиларимиз ўн беш соатлик паровоздан сўнг Аделаида шаҳрига етиб боришган.

Тошкентда ўтказилаётган футбол бўйича ўсмирлар (U-16) ўртасидаги Осиё чемпионати кундан-кунга жозибадор аҳамият касб этмоқда.

Яқиндагина таъмирдан чиқарилган «Пахтакор» ва МХСК стадионларига ташриф буюрган ишқибозлар бир-биридан чиройли учрашувлар гувоҳи бўлишяпти.

Деҳлида «Diplomatist» журналининг юртимиз Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган махсус сони нашрдан чиқди.

«Diplomatist»: «Ўзбекистонда барча соҳаларда самарали муваффақиятга эришилмоқда»

Мамлакатимизнинг Хиндистондаги элчихонаси кўмағида чоп этилган журнал Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи билан очилади.

Қиёти асоси бўлмоқда, — дея таъкидланди мақолада. — Ҳозирги пайтда Ўзбекистон мамлакатини фаол ислоҳ қилиш ва модернизациялаш босқичига қадам қўйди.

Ўз маърузаларидан бирида таълим соҳасида ўтказилаётган ислохотлар бугунги ва эртанги куннинг кафолати, мамлакат мустақиллигининг гаровидир, деб таъкидлаган эди.

Барча соҳалар ривожига самарали муваффақиятлар сарлавҳали мақола ҳам ўрин олган.

Санъат

Орол ҳақида кўргазма



Нукусдаги Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси Қорақалпоғистон бўлими кўргазмалар саройида Ўзбекистон Республикаси Расмлар уюшмаси аъзоси, академик Йигитали Турсунназаровнинг «Оролнинг кўз ёшлари» деб номланган кўргазмаси очилди.

МТС: «ХАЛҚАРО АЛТЕРНАТИВ ҚЎНФИРОҚЛАР»

Шу йил 1 октябрдан МТС абонентлари учун чет эллик дўстлари ва ҳамкорлари билан анча арзон нархларда гаплашиш имконияти пайдо бўлди.

МТСдан янги «Халқаро альтернатив қўнғироқлар» хизмати жаҳоннинг 190 дан зиёд давлатига ягона нарх бўйича — бир дақиқа учун \$0,99 — қўнғироқ қилиш имконини беради.

«Халқаро альтернатив қўнғироқлар» хизмати ҳақида батафсил маълумотларни 0890 рақамига қўнғироқ қилиб ҳамда www.mts.uz сайтдан билиш мумкин.

«Iridium», «Thuraya» йўлдош алоқа операторлари телефонлари ва Валлис/Футуна, Вануату, Шаркий Тимор, Гвинея-Биссау, Гренландия, Гуантанамо, Диего Гарсия, Кирибати, Шимолӣ Корея, Куба, Науру, Ниуе ороли, Ав. Елена ороли, Асунсьон ороллари, Кук ороллари, Фолкленд ороллари, Палау, Папуа Янги Гвинея, Сан Том, Сурия, Соломон ороллари, Сомали, Токелау, Тувалу давлатлари бундан мустасно.



ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самараси Гулистон шаҳар шифохонаси ҳаётида ҳам яққол кўзга ташланади.

Ватанимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги байрами арафасида мазкур шифохона капитал реконструкциядан чиқарилиб, бугун у шаҳарнинг энг кўркем биноларидан бирига айланган.

PATB «FallaBank» томонидан 3 ойлик муддати билан «Муваффо» номли оғина турлига маблағлар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси республика «Ўзтибтаъминот» уюшмаси бош директори Фарид Исоқовга отаси Саъдулло ИСХОҚОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Kichik biznes — yuksak g'urur! «TADBIRKOR» TARIF REJASI Barcha kirish qo'ng'iroqlari \$0 Chiqish qo'ng'iroqlari (Bir daqiqqa narxi) \$0 Guruh ichidagi \$0 Tarmoq ichidagi \$0.02 O'zbekiston bo'yicha \$0.02 SMS (chiqish SMS narxi) \$0.01 Tarmoq ichida \$0.02 O'zbekiston bo'yicha \$0.02 Oylik abonent to'lovi \$4

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 25961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтборсаров. Навбатчи — М. Охупова. Мусахҳах — Х. Топхўжаев.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси ҳақидаги 2008 йил 15 январдаги қарори билан «Халқ сўзи» газетаси «Халқ сўзи» газетаси билан қўшилиб қўйилган.